



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 2 - mart

7094 -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Хасанова Солия Ўриновнани вояга етмаган невараси 2007 йил 15 июлда туғилган Бобоева Рухшона Мурод қизига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 18 мартдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Боғот тумани “Обод” маҳалласида яшовчи фуқаро 1956 йил 17 апрелда туғилган Хасанова Солия Ўриновнани вояга етмаган невараси 2007 йил 15 июлда туғилган Бобоева Рухшона Мурод қизига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудирини Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Яхшибаев